

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ



**САНОАТ ФАРМАЦИЯСИ ВА КОСМЕЦЕВТИКА ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ “ФАРМАЦИЯ”
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Тошкент 2021

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 14 июндаги “Фармацевт кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 168-сон буйруғига мувофиқ Тошкент фармацевтика институтининг фармацевт кадрларни қайта тайёрлаш курсларига (кейинги ўринларда қайта тайёрлаш курслари деб аталади) бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахсларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. “Фармация” таълим дастурида умумқасбий фанларни 30% ва ундан ортиқ қисмини ўзлаштирган турдош таълим йўналишлари битирувчиларига қайта тайёрлаш орқали иккинчи мутахассисликни эгаллаш ҳуқуқи берилади.

3. Қайта тайёрлаш курсларига қабул институт Кенгаши томонидан белгиланган тўлов-контракт асосидаги қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш институт томонидан кириш синовлари (ёзма иш) натижаларига кўра, тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш курсларига қабул барча учун тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, кириш синовларида энг юқори балл тўплаганларнинг биринчи навбатда тўлов-контракт асосида қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади.

5. Қайта тайёрлаш курсларига кириш синовлари бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар аризаларида кўрсатилган тилда ўтказилади.

2021/2022 ўқув йили қабулида қайта тайёрлаш курсларига ўқишга қабул қилиш бир босқичда умумқасбий ва ихтисослик блоклари фанларидан тузилган саволлар асосида ёзма иш шаклида амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш курсларига кириш имтиҳонлари натижалари имтиҳон ўказилгандан кейин икки кун муддатда институт расмий веб-сайтида эълон қилинади.

6. Қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда мазкур Низомга мувофиқ жорий ўқув йили учун тайинланган институт қабул комиссияси зиммасига юкланади.

2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

7. Қайта тайёрлаш курсларига кириш имтиҳонлари бошланишидан 15 кун аввал институт қабул комиссияси қайта тайёрлаш курсларига кириш учун

хужжатларни қабул қилиш ва имтихонларни ўтказиш тартиби ҳақидаги ахборотни белгиланган тартибда эълон қилади.

8. Қайта тайёрлаш курсларига киришда бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар институт қабул комиссиясига қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

- қайта тайёрлаш йўналиши кўрсатилган ҳолда, институт ректори номига ариза;

- олий маълумот тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси (ёки дипломдан кўчирма - Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унга илова;

- 3.5 x 4.5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

- паспорт нусхаси.

9. Хужжатлар институт қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатларда қабул қилинади.

3-боб. Кириш синовлари

10. Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахсларнинг билим даражасини белгиловчи умумқасбий ва ихтисослик фанлар блоки фанларидан синов (ёзма иш шаклида) ўтказилади. Баҳолаш мезони ҳар бир фан учун 0 – 25 баллни ташкил қилиб, умумий балл максимал 100 баллни ташкил этади ва бунда курсга қабул қилишнинг қуйи чегараси 55 балл этиб белгиланади.

11. Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар қуйидаги фанлардан ёзма иш шаклида кириш синовлари топширадилар:

- Фармацевтик технология;

- Фармацевтик кимё;

- Фармакогнозия;

- Фармакология.

Ёзма иш шаклидаги кириш синовларини топшириш учун 2 соат (120 минут) вақт ажратилади.

12. Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар томонидан топширилган ёзма ишни алмаштириш ёки қўшимча ёзма иш топшириш таъқиқланади. Топширилган ёзма иш талабгорга қайтарилмайди.

13. Кириш синовлари (ёзма иш) институт қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатларда ўтказилади.

14. Кириш синовларини ўтказиш учун ректорнинг буйруғи билан ҳар бир синов фанлари бўйича комиссиялар ташкил этилади.

15. Кириш синовлари учун ажратилган вақт имтихон дастурларига мувофиқ институт қабул комиссиясининг қарори билан белгиланади.

16. Кириш имтихонлари ўтказиладиган бинога киришда бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер,

телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва бошқаларни олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, имтиҳонлар давомида имтиҳон топшириқларини бошқа шахсларга узатса ёки ёрдам берса, бошқа абитуриентлар билан гаплашса, имтиҳонлар учун ажратилган вақт тугаганидан кейин имтиҳон топшириқларини топширишдан бош тортса, имтиҳон топшириқларини аудиториядан ташқарига чиқарса, улар имтиҳон ўтказиш тартибини бузган ҳисобланадилар ва имтиҳон комиссияси раиси (аъзоси) томонидан далолатнома тузилиб, имтиҳондан четлаштириладилар ва ўқишга қабул қилинмайдилар.

17. Синов фанлари бўйича комиссия таркиби олий таълим муассасасининг етук ва тажрибали профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил этилади. Зарур ҳолларда унинг таркибига соҳанинг етук мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

18. Синов фанлари бўйича комиссия раислари зиммасига қуйидаги масъулият юкланади:

кириш синовлари сифатли ўтказилишини таъминлаш мақсадида комиссия таркибига малакали, талабчан ва адолатли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилаш (маслаҳатлар беришни ташкил этиш, имтиҳон саволларини тузиш, жавобларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва бошқалар);

синов жараёнига раҳбарлик қилиш ва назорат этиш.

19. Фанлар бўйича синовларни ўтказиш тартиби (ўқитувчиларни аудиторияларга тақсимлаш, жавобларни шифрлаш ҳамда текшириш ва ҳоказолар) институт қабул комиссияси томонидан белгиланади.

20. Кириш синовларининг натижалари, баҳолаш мезонларига мувофиқ балл билан белгиланади ва қайдномаларга киритилади. Қайдномалар фан бўйича имтиҳон комиссиясининг аъзолари, қабул комиссиясининг масъул котиби томонидан имзоланади ва қабул комиссиясининг раисига тақдим этилади.

21. Кириш синовларини ўтказишда ҳолисликни таъминлаш мақсадида бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар уларнинг назорат ишларига институт томонидан идентификация коди бериш орқали шифрланади.

22. Қайта тайёрлаш курсларига ўқишга қабул қилинганларнинг синов ишлари уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларига тикиб қўйилади.

Ўқишга қабул қилинмаганларнинг синов ишлари 6 ой давомида сақланади, сўнг белгиланган тартибда йўқ қилинади.

23. Кириш синовлари (ёзма иш)ни қайта топшириш ман этилади.

Қайта тайёрлаш курсларига кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаганлар ўқишга қабул қилинмайди.

24. Институтда белгиланган тартибда апелляция (норозилик) комиссиясининг иши ташкил этилади.

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар синов натижасидан норози бўлган тақдирда, синов натижалари эълон

қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида синов ишини апелляция қилиш ҳақидаги ариза билан олий таълим муассасаси қабул комиссияси раиси ёки апелляция (норозилик) комиссияси раисига мурожаат этиши мумкин. Апелляция ҳақидаги аризани кўриб чиқиш муддати икки кундан ошмаслиги лозим.

4-боб. Қайта тайёрлаш курсларига тўлов-контракт асосида қабул қилиш ва ўқиш учун тўлов тартиби

25. Қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинганларга белгиланган намунадаги контракт бланкалари институт қабул комиссияси томонидан синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда 3 нусхада, жисмоний шахслар учун 2 нусхада расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилганлар учун тўлов-контракт шартларида кўрсатилган муддатларда амалга оширилади.

Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-боб. Ўқишга қабул қилиш тартиби

26. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблағ миқдори институт Кенгаши томонидан белгиланган муддатдан кечиктирилмай, ўрнатилган тартибда ўтказилгандан сўнг, институт ректорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

27. Ўқишга қабул қилинган тингловчилар ишдан ажралган ҳолда, off-line тарзда ўқув жараёнига жалб этиладилар.

6-боб. Яқунловчи қоида

28. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

29. Институт ректорининг қайта тайёрлаш курсларига ўқишга қабул қилиш бўйича қарордан норози бўлганлар Соғликни сақлаш вазирлиги ёки судга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.